

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Мирзо Улуғ’бек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
ректори А.Р.Мараҳимов**

30 август 2017 йил

**ИККИНЧИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШГА ТАЛАБГОРЛАР УЧУН
ТАРИХ ФАНИДАН
КИРИШ СИНОВИ ДАСТУРИ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

**(Кириш синовларида Тарих фани мавжуд бўлган барча таълим
йўналишлар учун)**

ТОШКЕНТ – 2017

Дастур Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Кенгашининг 2017 йил 30 августдаги 1-сонли мажлисида кўриб чиқилган ва
маъқуланган.

Тузувчи: Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ Тарих
факультети «Жаҳон тарихи»
кафедраси доценти Д. Ҳуроқов.

Такризчи: Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ Тарих
факультети “Жаҳон тарихи”
кафедраси доценти А.Г.Холлиев

КИРИШ

Тарих фани бўйича тузилган ушбу дастур икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми Ўзбекистон тарихи, иккинчи қисми эса жаҳон тарихига бағишланган. Дастур иккинчи олий таълим олиш учун кирувчи абитуриентларга мўлжалланган бўлиб, Давлат таълим стандартлари талаблари асосида тузилган. Ўзбекистон тарихи қисмида асосан халқимизнинг энг қадимги замонлардан то ҳозирги кунларгача босиб ўтган узоқ ва мураккаб тарихий йўлини, энг янги тарихини ҳамда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётини ҳолисона ўрганиш, мамлакатимизнинг демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари, жаҳон ҳамжамиятига ҳар томонлама интеграциясини чуқурлаштириш, хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётини илмий ва амалий аҳамияти каби мавзулар ўрин олганки, ушбу мавзулар абитуриентлар билимини баҳолашда муҳим ўрин тутади.

Шунингдек дастурнинг иккинчи жаҳон тарихи қисмида жаҳон тарихининг қадимги даври, ўрта асрлар тарихи ҳамда буюк географик кашфияётлар, Англия, Франция, Германия, АҚШ, Россия каби давлатларнинг замонавий тарихи, I ва II-жаҳон урушлари ва унинг оқибатлари, урушдан кейинги Европа, Осиё, Америка давлатларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида сўз юритилади.

Фаннинг мақсади ва вазифалари

Иккинчи олий таълим олувчилар учун Ўзбекистон ва Жаҳон тарихи фани бўйича тузилган ушбу дастур бўйича кириш синови абитуриентларнинг Тарих фанлари бўйича амалий кўникма ва малакаларини аниқлаш мақсадида ўтказилади

Ўзбекистон тарихи

Ўзбекистон тарихини ўрганишдаги асосий назарий методологик масалалар. Марказий Осиё ибтидоий жамият даврида. Уруғчилик жамоаларининг маконлари. Моддий ва маънавий маданият. Марказий Осиё худудида илк давлатчиликнинг вужудга келиши. Қадимги Суғдиёна (Сўғд), Бактрия, Хоразм. “Авесто”. Марказий Осиё халқларининг Аҳамонийларга қарши мустақиллик учун кураши. Александр Македонский истилоси ва Спитамен қўзғолони. Ўрта Осиё Салавкийлар давлати ва Юнон-Бактрия давлати таркибида. Қанғ. Паркана. Буюк Ипак йўлининг пайдо бўлиши ва унинг роли. Кушон подшолиги. Илк ўрта асрлар давлатларининг шаклланиши (Эфталийлар давлати, Турк хоқонлиги). Ўрта Осиё халқларининг араблар истилосига қарши кураши. Мовароуннаҳрда ислом динининг ёйилиши. Мовароуннаҳр Сомонийлар даврида. Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар давлатлари. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Қорахонийлар босқини ва Хоразмшоҳ-ануштегинлар давлатининг юксалиши. XI-XII асрларда Марказий Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги хусусиятлар. Ўрта Осиёда уйғониш даврида фан ва маданият. Мўғул босқинчиларига қарши Марказий Осиё халқларининг

кураши. Моварауннахр Чигатой улуси таркибида. Амир Темур давлати. Мовароуннахр Темурийлар даврида. Шайбонийлар ва Аштархонийлар давлатлари. XVII-XIX аср биринчи ярмида сиёсий ҳаёт. Ўрта Осиё хонликларининг маъмурий бошқарув тизими, аҳолининг этник ва ижтимоий таркиби, ҳўжалиги. Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларининг ривожланиш хусусиятлари. XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида қорақалпоқлар. Қорақалпоқ ва бошқа туркий кўчманчи қабилалар ёзма тарихий манбаларда. Қорақалпоқларнинг шаклланиш жараёнлари. XVIII-XIX асрларда қуйи Сирдарё қорақалпоқлари. Қорақалпоқ маданияти. Ўрта Осиё хонликларининг савдо-дипломатик алоқалари. XVI-XIX аср биринчи ярмида Ўрта Осиё халқлари маданияти. Инглиз-рус рақобати. Ўрта Осиёга Россия империясининг истилочилик юришлари. Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил топиши. Ўрта Осиёни Россия томонидан босиб олинишининг иқтисодий ва сиёсий оқибатлари. 1873-1876 йилларда Қўқон хонлигидаги халқ кўзғолони. Туркистоннинг аграр ва саноат ривожланишидаги муаммолар ва Россия империяси сиёсати. XIX аср охирида Туркистонда миллий озодлик курашлари. XIX аср охири – XX аср бошида Туркистон халқлари маданияти. XX аср бошларида Туркистонда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт. Миллий маърифатпарварлик ҳаракати. Жаидчилик. Туркистон биринчи жаҳон уруши йилларида. 1916 йил миллий озодлик кураши. 1917 йил сиёсий жараёнларнинг Туркистонга кўрсатган таъсири. Туркистонда совет тузумини ўрнатилиши. Туркистон мухторияти. Советларга қарши миллий озодлик ҳаракатлари. 1917-1924 йилларда Бухоро ва Хива хонлигидаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳвол. 1924 йил Ўрта Осиёда ўтказилган миллий давлат чегараланишидаги муаммо ва зиддиятлар. Ўзбекистон тоталитар тузум шароитида – ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт. Сиёсий қатағонлар ва уларнинг оқибати. Қорақалпоғистон АССРнинг ЎзССР таркибига киритилиши. Ўзбекистон халқининг фашизмга қарши курашдаги иштироки. 1946-1985 йилларда Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш: ютуқлар ва зиддиятлар. Миллий зиёлиларни қатағон қилиниши. Маданий ҳаётда “социалистик реализм”ни ҳукмронлиги. Ўзбекистон “Қайта қуриш” йилларида. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши – Ўзбекистон тарихидаги янги тарихий босқич. Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва мустақиллиги. Ўзбекистонда мустақил демократик давлат сифатида сиёсий тузумнинг шаклланиши. Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти. Мустақил Қорақалпоғистон тарихи, унинг давлат тузumi. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуришга қаратилган сиёсат. Иқтисодий ислохотлар: босқичлари ва натижалари. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ва уни бартараф қилишга қаратилган 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширилиши. Ўзбекистоннинг маънавий ҳаёти. Ўзбекистоннинг жаҳонда ва МДҲда эгаллаган мавқеи. Мустақил Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати. Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотларда иштироки. Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши курашдаги иштироки. Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларининг

мустақиллик, демократия ривожланишидаги аҳамияти. Мустақил Ўзбекистон-демократик ислохотлар ва фуқаролик жамият асосларини шаклланиши йўлида. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури.

Жаҳон тарихи

Қадимги Миср. Энг қадимги Мисрда дастлабки давлатларнинг пайдо бўлиши. Қадимги Мисрнинг географик ўрни ва табиий шароити. Мисрда илк подшоликнинг ташкил топиши (мил. авв. 3100-2800 йиллар). Қадимги подшолик даврида Миср (мил. авв. 2800-2250 йиллар). Пирамидалар қурилиши. Янги подшолик даврида Миср (мил. авв. 1584-1071 йиллар). Эҳнатон ислохотлари. Сўнгги подшолик даврида Миср (мил. авв. 1085-милоднинг III асрлари). Қадимги Миср маданияти. Энг қадимги Месопотамия. Месопотамиянинг географик ўрни ва табиий шароитлари. Месопотамияда марказлашган давлатнинг вужудга келиши. Саргон I даврида Месопотамия. Ҳамураппи қонунлари (мил. авв. 1792-1750 йиллар). Қадимги Оссурия. Янги Бобил подшолиги. Қадимги Месопотамия халқлари маданияти. Қадимги Ҳетт подшолиги ва унинг маданияти. Қадимги Фаластин ва унинг яҳудийлар томонидан истило қилиниши. Исроил яҳудий подшолигининг равақ топиши. Қадимги Сурия ва Финикия. Сурия ва Финикиянинг шаҳар давлатлари. Дамашқ подшолиги. Қадимги Урарту давлатининг ташкил топиши ва кучайиши. Қадимги Эрон. Қадимги Элам давлати ва Мидия подшолиги. Доро I ва унинг ислохотлари. Македониялик Искандарнинг Эронга юриши. Парфия подшолиги. Сосонийлар давлати. Қадимги Ҳиндистон. Искандарнинг Ҳиндистонга юришлари. Маурья салтанати. Кушонлар ва Гупталар даврида Ҳиндистон. Қадимги Ҳиндистонда дин. Энг қадимги Хитой. Хитойнинг географик ўрни ва табиати. Чжоу пошшолиги даврида Хитой. Буюк Хитой деворининг қурилиши. Хунлар давлати. Юнонистоннинг энг қадимги тарихи. Крит Микен маданияти, мил.авв.VIII-XI аср Юнонистон полисларининг ташкил топиши, Афина кулдорлик давлатининг ташкил топиши. Солон қонунлари. Қадимги Спарта давлати. Илотлар қўзғолони. Юнонистон Эрон урушлари. Марафон жанги (мил. авв. 490 йил). Саломин жанги (мил. авв. 480 йил). Афина кулдорлик демократияси. Перикл бошқаруви. Пелопоннес урушлари. Халкида жанги. Қадимги Юнонистон маданияти. Қадимги Рим. Қадимги Римнинг географик ўрни ва табиий шароити. Этрусклар жамияти. Рим республикасининг ташкил топиши. Плебейлар ва патрицийлар ўртасидаги кураш. Рим томонидан Италиянинг истило қилиниши. Самнит урушлари. Карфаген давлати. Пуни урушлари ва унинг оқибатлари. Мил.авв. II асрда Рим империясининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, Спартак қўзғолони. Рим салтанатининг ташкил топиши. Юлий Цезарь императорлиги. Рим империясининг тушкунликка кетиши ва ҳалокати. Қадимги Рим-Италия маданияти. Илк ўрта асрлар. V-XI асрларда Европа. Герман қабилалари ва Рим империяси. Франклар. Хлодвиг ҳукмронлиги. Буюк Карл империяси. VI-XI асрларда

славянлар. Славян давлатларининг ташкил топиши. Болгар подшолиги (VII аср охири), Киев Руси (IX аср), Чехия (X аср) ва Польша давлатларининг ташкил топиши. Илк ўрта асрларда Византия империяси. Византияда маориф ва илм-фан тараққиёти. VI-X асрларда Осиё халқлари. Илк ўрта асрларда Хитой ва Ҳиндистон. Ўрта асрларнинг иккинчи даврида жаҳон халқлари (XI-XV асрлар). Черков ва Салиб юришлари. Европада марказлашган давлатларнинг ташкил топиши. Юз йиллик уруш (1337-1453 йиллар). Жакерия кўзғолони (1358 йил). Француз халқининг босқинчиларга қарши кураши. Жанна Д'Арк – халқ қахрамони. Англияда марказлашган давлатининг ташкил топиши. Уотт Тайлер кўзғолони (1381 йил). Ўрта асрларда Осиё, Африка ва Америка халқлари. XII-XV асрларда Хитойнинг ички ва ташқи сиёсати. Мин сулоласининг ташкил топиши. Ўрта асрларда Африка давлатлари: Гана, Мали, Сонгаи, Аксум. Ўрта асрларда Америка. Майя халқлари ва уларнинг маданияти. Ацтеклар давлати. Инклар давлати.

XV аср охири XVI асрлардаги ихтиролар, буюк географик кашфиётлар ва мустамлакачилик босқинлари. Американинг кашф этилиши. Дунё айлана биринчи саёҳат. Фернан Магеллан (1519-1522 йиллар). Европада реформациянинг бошланиши. Чехияда умумхалқ курашининг этилиши. Янь Гусь таълимоти (1371-1415 йиллар). Германияда реформация. Мартин Лютер таълимоти. Францияда мутлоқ монархиянинг шаклланиши ва диний урушлар (XVIII аср). Нидерландия буржуа инқилоби. Голландия республикасининг ташкил топиши. Ўрта асрларнинг учинчи даврида Европа халқлари маданияти. Уйғониш даври маданияти (Италия). Леонардо да Винчи, Микеланжело ва Рафаэль. Германия, Нидерландия ва Испаниялик буюк рассомлар.

XVII аср инглиз инқилоби. 1640 йилги инқилоб сабаблари ва бошланиши. Англия республикаси. Кромвель протекторати. Стюартларнинг қайта тикланиши ва 1688 йил тўнтариши. Шимолий Америкада мустақиллик учун кураш (1775-1783) ва АҚШнинг ташкил топиши. АҚШ Конституциясининг қабул қилиниши (1787). XVIII аср Француз инқилоби. Монархиянинг афдарилиши. Якобинчилар диктатураси. Наполеон Бонапарт диктатурасининг ўрнатилиши ва Франциядаги Биринчи империя. Наполеон I армиясининг Россияда барбод бўлиши. Вена конгресси. «Муқаддас иттифок»нинг тузилиши. Европа давлатлари. Франция, Англия, Германия, Италия ва Австрия империясидаги 1848-1849 йиллар инқилоби ҳамда унинг аҳамияти. Осиё мамлакатлари – Ҳиндистон ва Хитойда ҳамда Африкада миллий-озодлик ҳаракатлари.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Европа ва Америка давлатлари. Франция-Пруссия уруши ва унинг яқунлари. Германияни бирлаштирилиши ва иқтисодий-ижтимоий тараққиёти. 1871 йилги Империя Конституцияси. XX аср бошларида АҚШнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи. Т.Рузвельтнинг ички сиёсати. Панамерика иттифоқи (1910 йил). В.Вильсон ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсати. Лотин Америкаси мамлакатлари. Бразилия, Аргентина ва Марказий Америка давлатлари. XIX аср охири XX аср бошларида Россия. Рус-Япон уруши. XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Осиё ва Африка мамлакатлари – Япония, Хитой, Ҳиндистон,

Эрон, Афғонистон, Туркия. Араб мамлакатлари. Махдийлар кўзғолони ва Суданнинг Англия томонидан эгалланиши.

Биринчи жаҳон уруши ва унинг оқибатлари (1914-1918 йиллар). Версаль тинчлик шартномаси (1919 йил, 28 июнь). Европа ва АҚШ биринчи жаҳон урушидан кейин (1918-1929 йил). 1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқироzi ва унинг оқибатлари. Шарқий Европа ва Болқон ярим ороли иккинчи жаҳон уруши орасида (1918-1939 йиллар). Иккинчи жаҳон уруши (1939-1945 йиллар). Иккинчи жаҳон урушининг 1941-1944 йилларидаги асосий жанглири. Иккинчижаҳон урушининг тугаши. Потсдам конференцияси (1945 йил, июль-август).

Дунё «Совуқ уруш» сиёсати даврида. Европанинг бирлашуви. “Трумен диктатураси” (1947 йил). “Маршал режаси” (1947 й июнь), Шимолий Атлантика шартномаси (НАТО) 1949 йил апрел), ЎИЁК (1949 йил), Варшава шартномаси (1955 й, 14 май) ташкилотлари. XX асрнинг иккинчи ярмида АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари. Шарқий Европа ва Болқон ярим ороли мамлакатлари иккинчи жаҳон урушидан сўнг. Тоталитар тузумларнинг қарор топиши. СССР: тоталитаризмдан демократияга. Қайта куриш ва унинг натижалари.

Осиё давлатлари. Туркия: демократиянинг мураккаб йўли. Хитой 50-90 йилларда. Вьетнам халқининг озодлик курашлари. Иккига бўлинган Корея, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон давлатларининг мураккаб ривожланиш йўллари. Яқин Шарқ мамлакатлари ва уларнинг мустақиллик йўллари.

1990-2010 йилларда жаҳон мамлакатларининг интеграциялашуви жараёнлари. Осиёда мустақил давлатларнинг ташкил топиши. Халқаро терроризм ва гиёхвандликка қарши кураш.

« ТАРИХ» фани бўйича ўтказиладиган (кириш синови) ёзма ишларни баҳолаш МЕЗОНИ

“Тарих” фани бўйича ўтказиладиган “Ёзма ишлар” кўп вариантли усулда ўтказилади. Ҳар бир вариантда тўрттадан савол бўлиб, ёзма ишнинг ҳар бир саволи ва умумий баллари қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланади:

Тўпланган 86 – 100 балл; абитуриент мавзунинг моҳияти ва аҳамияти, хусусиятлари тўғрисида тушунчага эга бўлиши, шунингдек, “Тарих” фани юзасидан долзарб масалаларни ўзлаштира олиши, умумлаштириши, хулоса чиқара олиши, мавзу бўйича тарихий манбалардан маълумотларни келтириши, ҳозирги фан ютуқлари асосида янги маълумотларни ҳаётий мисоллар асосида моҳиятини тушунганлигини, олган билимларини амалда қўллай олишини ёритиб бера олиши лозим. Бундан ташқари, имло хатоларга йўл қўймаслигига ва ҳуснихатига ҳам эътибор бериш керак.

Тўпланган 71 – 85 балл; абитуриент мавзунинг моҳияти ва аҳамияти, хусусиятлари тўғрисида тушунчага эга бўлиши, шунингдек, “Тарих” фани юзасидан долзарб масалаларни тушуна олиши, умумлаштириши, олган билимларини амалда қўллай олиш, хулоса чиқара олиши лозим. Бундан

ташқари, мавзу баёнини тегишли мисоллар билан имло хатоларсиз кўрсата билиши лозим.

Тўпланган 55 – 70 балл; абитуриент мавзунинг моҳияти ва аҳамияти, хусусиятлари тўғрисида тушунчага эга бўлиши, шунингдек, “Тарих” фани юзасидан долзарб масалаларни билиши, умумлаштириши лозим. Мавзу моҳиятини умумий тушунчалар билан баён эта олиши керак.

Қуйидаги ҳолларда абитуриентнинг билим даражаси тўпланган 0 – 54 балл – билан баҳоланиши мумкин: мавзунинг моҳияти ва аҳамияти, хусусиятлари тўғрисида билими бўлмаса, шунингдек, “Тарих” фани юзасидан тушунчага эга бўлмаса юқоридаги балл билан баҳоланади.

Абитуриентлар учун вариантлар тузилиб, ҳар бир вариантда тўрттадан савол берилади.

Вариантлар бўйича баҳолаш мезони қуйидагича.

Вариантдаги ҳар бир савол
максимал балл – 25 ни ташкил этади.

Саралаш балл – 13 балл

22 – 25 – 5

19 – 21 – 4

14 – 18 – 3

0 – 13 – 2